

**ТУРИЗМ СОҲАСИ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МАЛАКАЛИ  
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ САЛОҲИЯТИ**

**Жулибай ўғли Ойбек**

Мустақил изланувчи

Самарқанд Давлат Университети

Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистондаги туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнлари олий таълим муасссалари мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Туризм, кадрлар тайёрлаш, олий таълим, салоҳият

**Annotation**

The article analyzes the processes of training qualified personnel in the field of tourism in Uzbekistan on the example of higher education institutions.

**Keywords:** Tourism, personnel training, higher education, potential

Бугунги кунда юртимизда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш билан асосан “Ипак Йўли” Туризм Халқаро Университети, Тошкентдаги Сингапур Менежментни Ривожлантириш Институти, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университет, Бухоро Давлат Университети, Урганч Давлат Университети, Термиз Давлат Университети, Қарши Давлат Университети, Қорақалпоқ Давлат Университети, Наманган Давлат Университети, Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институти, Халқаро Ислом Академияси каби олий таълим муасссалари шуғилланмоқдалар. Ўрта-махсус таълим тизимида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларида жами 3 та техникум ва 9 та ихтисослашган касб-хунар колледжлари фаолият юритиб туризм секторига ўрта даражали мутахассисларни тайёрлаш билан шуғилланиб келмоқдалар. Тошкентдаги Сингапур Менежментни Ривожлантириш Институти “Times Higher Education” рейтингига кўра дунё университетлари орасида илк 500ликга кирган Буюк Британиянинг Бангур Университетининг аккредитациясидан ўтган туризм йўналишидаги “Туризм ва меҳмондўстлик соҳасида халқаро бизнес” ҳамда “Туризм ва меҳмондўстликни бошқариш & етакчилик” бакалавр даражасидаги ихтисосликларини таклиф этиб келмоқда. Бу 1+3 кўринишидаги бакалавр курслари бўлиб, биринчи курсда (foundation year) барча йўналишдаги талабалар бирхил фанларни ўзлаштиришади. Бу фанлар асосан инглиз тилини кучайтириш ва академик йўлга тушиб олиш кўнималарини беради. Иккинчи йилдан бошлаб фанлар ихтисослашиб боради. Иккинчи йил ҳар иккала дастур учун Тошкент шаҳридаги маҳаллий сайёҳлик компанияларида тизимли равишда амалиёт ўташ имкониятни ўз ичига олади. Туризм ва меҳмондўстлик соҳасида халқаро бизнес йўналиши бўйича ўтиладиган фанлар:

1-курс ҳар икки йўналиш учун (ҳамда туризм соҳасида бўлмаган йўналишлар учун ҳам) Академик инглиз тили; Мулоқот маҳорати; Маданият ва Маърифат; Олий математика; Ахборот технологиялари асослари ҳамда Бизнес бошқарувига кириш каби фанларни камраб олади.

Туризм ва меҳмондўстлик соҳасида халқаро бизнес йўналиши бўйича 2-курсда куйидаги фанлар ўтилади: Ўзбекистондаги сайёхлик ва туризм саноатига кириш; Меҳмондўстлик билан танишиш, тадбирлар ва амалиётлар; Бизнесни бошқариш тамойиллари; Менежмент ва молиявий ҳисоб; Бизнес таҳдиллари; Маркетинг.

3-курсда эса Жойни англаш (A sense of place); Озиқ-овқат ва ичимликлар менежменти; Конференция ва тадбирларни бошқариш; Халқаро меҳмондўстлик ва туризм маркетинг; Туризмнинг глобал ўлчовлари; Саёҳат ва туризм соҳасида ишлаш фанлари ўқитилади. Сўнгги 4-курсда Маданий мерос ва экспериментал туризм; Туризм ва меҳмондўстликдаги этика; Спорт, саргузашт ва тиббий туризм; Халқаро бизнес компетенсияси; Стратегик менежмент каби фанлар ўтилади.

Бу йўналишда ҳам бизнес менежменти бўйича проект ёки диплом иши ёзиш талаби бажарилади ва шундан сўнг ушбу мутахассислик бўйича Буюк Британиянинг Бангор университети томонидан бакалавр даражаси берилади.

Юртимизда туризм йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида муваффақиятли фаолият юритиб бораётган яна бир муассаса “Ипак Йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетидир. Туризм соҳасида олий таълим муассасасини очиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Синдао шаҳрида бўлиб ўтган Саккизлик саммитида илгари сурилган эди. Бунинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018- йил, 28- июндаги 3815-сонли қарори билан халқаро мақомга эга биринчи давлат университети ташкил этилди. “Ипак Йўли” туризм халқаро университети васийлик кенгаши йиғилишининг баёнида “ “Ипак Йўли” туризм халқаро университетида бакалаврнинг биринчи босқичида йўналишларидан қатъий назар бир хил дарслар ўқитилсин ва иккинчи босқичдан бошлаб талабаларнинг ёзма аризасига кўра таълим йўналишларига ажратилсин.” деб таъкидлаб ўтилган.

“Ипак Йўли” Туризм Халқаро Университети “Туризм менежменти” факултети ўз олдига меҳмонхона, ресторон, туризм соҳасининг энг юқори халқаро стандартларига мос рақобатбардош профессионал кадрларни тайёрлаш мақсадини қўйган ва факултетда қуйидаги фанлар бакалаврлар учун ўқитилади:

### **Туризм логистикаси**

Туризмда логистика йўналиши туризм соҳасида асосий хизмат бўлиб, саёҳат, екскурсия ва турларда туристларга хизмат кўрсатиш. Траспорт воситаллари. Туристик маршрутлар. Бунда: туризм соҳасида ташиш; транспорт воситалари; транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар; туристик маршрутлар.

### **Смарт туризм**

Смарт туризм йўналиши минтақадаги туризмни режалаштириш, туризмдаги тажрибаларини амалиётда қўллаш технологияларини ривовлантириш ва хизматларни кўрсатиш, ресурсларни самарали бошқариш, туристларнинг еҳтиёжлари ва хатти-харакатларига жавоб бериш қобилияти.

Бунда: туристик тажрибаларни ривожлантириш устида ишлаш; ақлли платформалардан фойдаланиш ва тақдим етиш; туристик ҳудуд доирасида ахборот тўплаш ва тарқатиш,

туристик ресурсларни самарали тақсимланишига кўмаклашиш; туристик имтиёзларни маҳаллий ҳамжамият бўйлаб самарали тақсимлаш учун туристик саноат етказиб берувчиларини микро ва макро даражада бирлаштиришга кўмаклашиш.

### *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*

Туризм Менежменти йўналиши туризм соҳасидаги фаолият йўритаётган корхона ва ташкилотлар фаолиятининг назарий ва амалий бошқаруви ўрганилади. Бунда: ташкилот ва корхоналар бошқаруви; ҳодимлар бошқаруви; туризм соҳасида транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар бошқаруви; жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи корхоналари бошқаруви; овқатлантириш корхоналари ва хизматлари бошқаруви; туроператорлик ва турагентлик фирмалари бошқаруви; қўшимча хизматларни кўрсатувчи туристик объектлар бошқаруви; умумий овқатланиш корхоналари ва хизматларини бошқариш; туроператорлар ва сайёхлик агентликларини бошқариш; қўшимча хизматлар кўрсатадиган туристик объектларни бошқариш.

### *Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиллар бўйича)*

Guide and Interpretation (English Language) йўналиши маҳаллий ва хорижий туристларга экскурсия ва тур дастурларда ҳамроҳлик қилиш. Маршрутда кўрсатилган обьектлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш, расмий ва бизнес ўчрашувларда таржимонлик фаолияти. Бунда: туризм турлари; нутқ маданияти; араторлик маҳорати; маданиятлар; ҳалқаро етикет қоидалари.

Университетда ўқув йили 2 семестрдан, ҳар бир семестр 14 ҳафтадан иборат бўлган дарс жараёнидан, 1 ҳафталик оралиқ баҳолаш ва 1 ҳафталик якуний назорат давридан иборатdir. Оралиқ назорат ҳар семестрнинг 8-ҳафтасида ва якуний назорат 16-ҳафтасида ўтказилади. Имтиҳонларнинг ҳаддан зиёд концентрациялашувига йўл кўймаслик мақсадида Университет якуний назоратлар учун қўшимча ҳафта ажратиши мумкин.

Талабалар билимини баҳолаш бирлиги бир ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System- Европа Кредит ўтказиш ва тўплаш тизими) кредитидир ECTS - бу ўқиш жараёнини ва фанларни янада шаффоф қилиш воситаси ҳисобланади. Бу талабаларга бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб ўтишда ва олган академик малакасини ва ўқиш даврини чет элда тан олинишига ёрдам беради. Битта ECTS кредити 30 соатлик ўқув юкламасига тўғри келади (аудитория ва мустақил таълим соатларини ҳисоблаган холда).

Талаба семестр давомида олиши керак бўлган кредитлар сони ишчи ўқув дастурида кўрсатилган мажбурий ва танлов курсларни ўз ичига олади. Университет берилган курс учун кредитлар сонини ўзи белгилайди. Бакалавр дипломини олиш учун зарур бўлган ECTS кредитларининг сони 240 тани ташкил этади.

Университетда жорий баҳолаш, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари (вазифалари) курс профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади, олдиндан модерациядан ўтказилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади. Ушбу жараён Ўқув жараёнини мониторинг қилиш ва ташкиллаштириш бўлими томонидан назорат қилинади.

Университет профессор-ўқитувчиларининг фаолияти ва ўқув жараёни доимий равишда университет томонидан назорат қилинади. Ўқув жараёнининг назорати белгиланган

ўқув натижаларига, номинал иш юкламаси бажарилишига эришиш ва унинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Назорат саволномалар, фокус-гурухлар, интервю ёки натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда жойлашган чет эл университети филиали ҳамда халқаро мақомга эга маҳаллий университетда туризм йўналишида кадрлар тайёрлаш салоҳияти билан танишиб чиқдик ва ушбу олий таълим муасссаларида кадрлар тайёрлаш жараёнларида ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. “Ипак йўли” туризм халқаро университети васийлик кенгаши йиғилишининг 2-сонли баёни
2. Mdis.uz
3. Univ-silkroad.uz